O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
ZARAFSHON SHAHAR
HOKIMINING

Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Р Е Ш Е Н И Е

ХОКИМА
ГОРОДА ЗАРАФШАН
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Zarafshon sh., Marvarid ko‘chasi, 1

г.Зарафшан, улица Марварид, 1

“18” октября 2018 й (г) № К-696

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2019 йилда иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-162-сонли Қонунининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 майдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 235-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги 965-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, Зарафшон шаҳар адлия бўлимининг 2018 йил 12 октябрдаги хулосасига мувофиқ, 2019 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун шаҳардаги йигирма нафардан ортиқ ишловчи ходимлари мавжуд бўлган 31 та корхона, ташкилот ва муассасалардаги ходимларнинг рўйхат бўйича умумий сони 24528 кишини ташкил этганда, шундан ўртача 2,8 фоиз миқдорида – 697 та иш ўринлари белгилаб олинади, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун - 13,6 фоиз (95 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун - 71,7 фоиз (500 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - 5,1 фоиз (36 киши);

ногиронлиги бўлган шахслар учун - 3,4 фоиз (24 киши);

пенсия олди ёшидаги шахслар учун - 0,7 фоиз (5 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун - 4,4 фоиз (31 киши);

одам савдоси қурбонлари учун - 0,2 фоиз (2 киши);

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг таклифи бўйича шаҳар ҳокими томонидан фуқароларнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган бошқа тоифалари, шунингдек, атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун - 0,5 фоиз (4 киши);

2. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги 965-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-бандида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласинлар;

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарор талаблари бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланиши мумкинлиги инобатга олинсин;

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2019 йилнинг 1 январ кунига қадар квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2019 йилнинг 10 апрель санасидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва буйруқ нусхаларини шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин;

3. Ушбу Низомнинг 21-бандига асосан, муҳтожлар учун иш ўринларини захирага қўйиш бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарори бажарилмаганлиги учун жарима тўлаш ташкилотни захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини яратиш бўйича мажбуриятдан озод қилинмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини шаҳар ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган

“Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

5. Шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (В.Эшқувватов) беш кун муддатда мазкур қарорни иловасида кўрсатилган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари эътиборига етказилишини ва қарорнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин.

6. “Олтин водий” газетаси таҳририяти (М.Ҳусанов) қарорнинг расмий нашрда эълон қилинишини, шаҳар ҳокимлиги бош юрисконсульти (А.Ғойибов) қарорни вилоят адлия бошқармасига давлат ҳисобига олиш учун тақдим этилишини, шаҳар ҳокимлиги Девонхонаси икки кунлик муддатда шаҳар ҳокимлиги расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарор кучга кирган кундан эътиборан шаҳар ҳокимининг 2018 йил 21 февралдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги Қ-124 сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Шохмирзаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **А.Раджабов**